

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУРБОНОВ АБДУЛЛА КЕНЖАЕВИЧ

**ИМПУЛЬСЛИ-ДАВРИЙЛИ ЛАЗЕР НУРИ ТАЪСИРИДА МИКРО ВА
НАНО ЎЛЧАМЛИ КУКУНЛАРДА ИККИЛАМЧИ НУРЛАНИШ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Қурбонов Абдулла Кенжаевич

Импульсли-даврийли лазер нури таъсирида микро ва нано ўлчамли
кукунларда иккиламчи нурланиш.....3

Қурбонов Абдулла Кенжаевич

Вторичное излучение в микро- и нанопорошках при импульсно-
периодическом лазерном возбуждении.....25

Kurbonov Abdulla Kenjaevich

Secondary radiation in micro- and nanopowders under pulsed-periodic laser
excitation.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУРБОНОВ АБДУЛЛА КЕНЖАЕВИЧ

**ИМПУЛЬСЛИ-ДАВРИЙЛИ ЛАЗЕР НУРИ ТАЪСИРИДА МИКРО ВА
НАНО ЎЛЧАМЛИ КУКУНЛАРДА ИККИЛАМЧИ НУРЛАНИШ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Россия Фанлар академиясининг П.Н.Лебедев номидаги Физика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz веб-саҳифаси манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахматуллаев Илёс Арзимуродович
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нематов Шерзод Қаландарович
физика-математика фанлари доктори

Эшчанов Баходир Худайберганович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 12 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 12 да тарқатилди.

(2020 йил «5» 12 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Ашуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.Д.Ядгаров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда саноатдаги талабларни, айниқса илғор технологик йўналишдаги: наноэлектроника, фотоника, компьютер технологиялари, лазер тизимлари талабларини қондириш учун долзарб ҳисобланган материалларни излашдаги тадқиқотлар энг муҳим саналади. Кейинги йилларда оптикада янги йўналиш фаол ривожланиб бормоқда: мазкур йўналиш микро ва нанотузилишли тизимлар, хусусан, уларнинг кукунларидан олинган объектларнинг оптик тадқиқоти билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги кунда жаҳонда микро ва айниқса наноўлчамли кукунларга янги усуллар орқали уларни синтез қилиш ҳамда кенг амалиётда қўлланиши сабабли улкан қизиқиш уйғонди. Қизиқиш катта ўлчамдаги кристаллардан кукунларнинг электрофизик, оптик, механик ва бошқа хусусиятлари кескин фарқ қилиши билан боғлиқдир. Ушбу намуналарни муваффақиятли тадқиқот қилиш ва қўллаш учун мазкур тизимларнинг тузилиш хусусиятлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим. Макро кристаллдан нанокристалл кўринишига ўтганда кристалл панжара тузилиши кескин ўзгариши мумкин. Заррачаларнинг ўлчамлари кичрайиб бориши билан уларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятлари асосан юзага боғлиқ бўлган эффектлар орқали аниқланади ва макроскопик объектларнинг физик параметрларини белгиловчи ҳажмга боғлиқ бўлган эффектлар таъсири эса камаяди. Иккиламчи нурланиш (ИН) фотолюминесценция (ФЛ), ёруғликнинг комбинацион сочилиши (ЁКС) жараёнлари ва ҳар хил турдаги кўп фотонли эффектлар натижасида вужудга келади. ИНнинг мавжудлик вақти жараённинг турига ва материал муҳитнинг характеристикаларига боғлиқ. ИН лазер спектроскопиясининг улкан ютуқларига қарамасдан ҳозиргача лазер нур манбаини оптималлаштириш билан боғлиқ ҳамда уйғотувчи нурланишни ИН сигналига самарали айлантириш усулларини яхшилаш борасида муаммолар мавжуддир. Бу жумладан, уйғотувчи (лазер) нурланишнинг кукунларда кучли сочилиши билан боғлиқдир. Импульсли лазерларнинг етарли даражадаги интенсив нурланишларида моддаларнинг дастлабки характеристикалари кучли ўзгаради: муҳит кучли қизиб кетади ва балки моддаларда фотодеструкция юзага келади.

Республикада турли турдаги диэлектрик ва яримўтказгичли микро ва нанотузилмалар асосида оптик нурланишни қабул қилувчилар – оптоэлектрон курилмалар, ультрабинафша ва инфрақизил нурланишни кўриниш диапазонида трансформация этувчи асбобларни яратиш учун фундаментал тадқиқотларга улкан эътибор қаратилмоқда. Республикамиз фанининг ривожланиши ва унинг амалий қўлланиши учун улкан аҳамиятга эга бўлган мазкур фундаментал тадқиқотлар ва ишланмалар 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сон, «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон Қарорида ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «II. Энергетика, энерготехкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Микро ва нанотузилмаларни таҳлил қилиш ва ўрганишлар соҳасидаги тадқиқотлар жаҳондаги кўп олимлар томонидан ўтказилган, масалан, россиялик олимлар (М.М. Михайлов, С.Н. Миков, В.С. Горелик, А.Л. Верещагин, П.А. Родный, А.А. Хомич, Н.Л. Векшин, Ю.П. Мешалкин), америкалик (W. Kaiser, V.A. Fonoberov, W. Shan, W. Walukiewicz, M. H. Huang, H. Feick, C.A Smith), украиналик (О.Г. Лысенко, В.П. Махний, Д.Д. Недеогло, А.В. Симашкевич), белоруслик (В.С. Бураков, Н.В. Тарасенко), хитойлик (С. Fan, Q. Zhang, H. Dong, B. Zhou, H.Y. Li), канадалик (A. Saxena, S. Yang), ҳиндистонлик (D. Sridevi, K.V Rajendran, A. Yadav, S.P. Nehra), польшалик (M. Skrobot, M. Godlewski, E.M. Shishonok), республикамиз олимлари (Э.М. Ибрагимова, С.С. Курбонов) ва бошқа мутахассислар.

Мазкур тадқиқотлар натижасида яримўтказгичли нанокристаллар (олмос, ZnSe, CdS, ZnO)да қатор қонуниятлар аниқланди: сиртдаги ва квант-ўлчамли эффектлар туфайли ушбу нанотузилмаларнинг кўп физик хоссалари (тузилмавий, магнит, оптик, иссиқлик) макро кристаллардан кескин фарқ қилади. Қатор ноорганик бирикмалари микро ва нанокристаллари (олмос, Al₂O₃, ZnS)нинг электрон ва тебранма спектрлари тадқиқот қилинган ва уларнинг иккиламчи нурланиш спектрларининг шаклланиш қонуниятлари аниқланган. ZnO юпқа пленкаларнинг электрик ва оптик хусиятлари комплексли ўрганилган. Синтез қилинган наноўлчамли ZnO ва ZnSe тузилмаларнинг структурали ва фазавий хусусиятлари тақдирот қилинган. Жумладан, ZnO нанокристалларида 390 ва 520 нм соҳадаги ФЛнинг максимумлари экситонлар ва нуқсонлар туфайли юзага келишлари кўрсатилган. Ўртача ўлчами 15 нм бўлган ZnSe нанозаррачалари ФЛ спектрида учта 480, 453 ва 520 нм максимумлар аниқланган бўлиб, улар монокристаллар ФЛ спектридан фарқ қилади. Ундан ташқари соҳада ZnSe намунасида ТО-фононлар туфайли вужудга келадиган 210 см⁻¹ соҳада ЁКС максимуми кузатилган. Юқори стехиометрик селеннинг аралашishi ва хлор аралашмаси натижасида, рух панжарасида бўш (вакант) нуқсонлар билан боғлиқ ZnSe да 590-610 нм (2,10-2,00 эВ) ФЛ чизиклари тажриба йўли билан

аниқланган. Детонацион наноолмослар (ДНО) олиш йўллари ва таҳлилига бағишланган кўп ишлар мавжуд. Ҳар хил турдаги биологик фаол препаратларнинг ФЛ ва ЁКС спектрлари хусусиятлари тўғрисида тажрибада натижалар олинган. Биофаол препаратларнинг микротузилиши, уларда мавжуд аралашмалар ва нуқсонлар бўйича муҳим маълумотлар олинган бўлиб, улар орқали таҳлил этиладиган препаратни микдорий жиҳатдан эталон препарат билан таққослаш имконияти мавжуд. Назарий жиҳатдан ва тажрибада ароматик ва биологик молекулалар билан лазер нурининг ўзаро таъсирлашувидаги икки босқичли жараёнлар тадқиқот қилинган. Илк бор бир қатор биологик-фаол моддаларнинг эритмалар (сув, этанол)да икки фотонли ютилиши (ИФЮ) кўндаланг кесим юзалари ўлчанган.

Аммо, микро ва нанокукунлар (МК ва НК)ни олиш ва оптик хусусиятларини ўрганиш бўйича кўп тадқиқот ишлари бўлишига қарамасдан, мазкур тузилмалар ИНнинг энергетик ва спектрал хусусиятларини тадқиқот қилишга бағишланган ишлар ҳам Ўзбекистонда ҳам жаҳонда деярли даражада кам. Масалан, кукунлар оптик хусусиятига заррачалар ўлчамларининг таъсирига бағишланган саволлар кам ўрганилган. Ҳозирги пайтгача фотонли тузоқларда жойлаштирилган МК ва НКлар ИН спектрларининг шаклланиш қонуниятлари ва хусусиятлари тўғрисида ўта кам маълумот мавжуд.

Шундай қилиб, мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарлича даражада ўрганилмаганлиги муаллиф томонидан ҳар хил турдаги истиқболли материалларнинг МК ва НКлари ИНнинг оптик характеристикаларини ўрганиш йўналишини танлаш учун асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ОТ-Ф2-67 «Импульсли лазер таъсирида кичик ва ультрадисперсли муҳитларда уйғотилган ночизикли опалесценция ҳодисасини ўрганиш» (2012–2016 йй.) ва А-3-113 «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва фармацевтик препаратларининг сифатини экспресс-таҳлил этиш учун кичик ўлчамли кўчириб юрувчи спектрал қурилманинг макетини лойиҳалаш ва яратиш» (2015–2017 йй.) давлат илмий-техникавий лойиҳалари доирасида ўтказилган илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади импульсли-даврийли лазер нури таъсирида ноорганик бирикмалар (олмос, рух селени, рух оксиди, иттрий оксиди) ва ароматик бирикмалар ҳамда биофаол препаратлар (аспирин, анальгин, цитрамон, парацетамол, 1,4-Ди-2-(5-фенилоксазол) бензол – РОРОР, 2,5-Дифенилоксазол – РРО, соя уни, тўйинган ёғли $C_nH_{2n}O_2$ кислоталар)нинг микро ва нанокукунларида юзага келадиган иккиламчи нурланиш спектрларининг шаклланиш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

импульсли-даврийли лазер нури таъсирида яримўтказгичли ва диэлектрикли микро ва нанокукунларда иккиламчи нурланиш спектрларини ўрганиш учун янги турдаги минирезонаторли кюветалар (фотонли тузоқлар)

ва нуртолали-оптик техника асосида тажриба курилмани ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

фотонли тузоқларда олмос, РОРОР, РРО микрокукунларида «комбинацион опалесценция» эффектининг юзага келиш шароитларини аниқлаш ва ЁКС самарадорлигини ошириш;

иккиламчи нурланиш сигналларининг самарали кучайишига кукунлар дисперслиги таъсири шароитларини ўрганиш;

ZnO ва ZnSeФЛ экситон чизиқлари (ультрабинафша (УБ) чизиқ)) ва (кўк чизиқ) ҳамда узун тўлқин томонидан уларга бириккан чизиқларнинг дамлаш (накачка)га аномал боғлиқлик сабабларини аниқлаш;

кукунларнинг бир фотонли ва икки фотонли люминесценция спектрларини қиёсий таҳлил қилиш;

микрокукунли соя унида ИФЛнинг спектрал ва энергетик характеристикаларини тажрибада ўрганиш;

тўйинган ёғли $C_nH_{2n}O_2$ кислоталарнинг суюқ ва қаттиқ кўринишли намуналарида ЁКС спектрларини шаклланишини ўрганиш ва уларни назарий жиҳатдан тушунтириб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида қатор ноорганик моддалар (олмос, рух селени, рух оксиди, итрий оксиди) ва ароматик бирикмалар ҳамда биофаол препаратлар (аспирин, анальгин, цитрамон, парацетамол, РОРОР, РРО, соя уни, тўйинган ёғли $C_nH_{2n}O_2$ кислоталар)нинг микро ва нанокукунлари олинган.

Тадқиқот предмети импульсли-даврийли лазер нури таъсирида қатор ноорганик ва органик бирикмалар микро ва нанокукунларида иккиламчи нурланиш спектрларини шаклланиш қонуниятлари ва физик механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш жараёнида элемент таркибини рентген-флуоресцент таҳлили, электрон микроскопия, иккиламчи нурланиш лазер спектроскопияси усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

янги турдаги минирезонаторли кюветалар (фотонли тузоқлар), нуртолали-оптик техника ва импульсли-даврийли лазерлар асосида яримўтказгичлар ва диэлектрикларнинг микро ва нанокукунларида иккиламчи нурланиш спектрларини қайд этувчи оригинал усул ишлаб чиқилган;

илк бор фотонли тузоқларда олмос, РОРОР, РРО микрокукунларида «комбинацион опалесценция» эффектининг юзага келиш шароитлари аниқланган. Резонаторли кюветаларнинг чиқиш қисмида ЁКС интенсивлиги уйғотувчи нурланиш интенсивлигига нисбатан кескин кучайиши аниқланган;

ZnO кукун заррачалари ўлчамларининг микроўлчамдан наноўлчамга кичрайиб бориши билан УБ чизиқ максимуми кичик тўлқин узунлик томон силжиши кўрсатиб берилган. Биринчи марта олмос микрокристалларининг ФЛ спектрларининг тузилиши уларнинг ўлчамларига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

уйғотувчи нурланиш қуввати зичлигининг тақрибий 10^6 Вт/см² кийматларида ZnO ва ZnSe микрокукунларда экситон ФЛ учун спонтан люминесценциядан мажбурийга ўтиш, яъни суперлюминесценция ҳолати кузатилган;

ароматик моддаларнинг микрокукунларида спектрнинг УБ соҳасида биринчи уйғотилган электрон синглет термига тўғри келувчи сатҳда суперлюминесценция эффекти кузатилган;

илк бор генетик модификацияланган соя уни микрокукунларида ИФЛнинг энергетик характеристикалари ўрганилган;

тўйинган ёғли $C_nH_{2n}O_2$ кислотларнинг суюқ кўринишли намуналарида ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларида бўйлама акустик тебранишлар (LAM) туфайли вужудга келадиган интенсив ва етарлича тор полосалар кузатилган ва ушбу моддалар частоталари молекула узунлигига боғлиқ равишда монотон тарзда ўзгариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

микро ва нанокукунлар ва тузилмаларда резонаторли кюветалар (фотонли тузоқлар)ни қўллаш асосида ЁКС ва ФЛ спектрларининг интенсивлигини ошириш ҳисобига иккиламчи нурланишнинг суст сигналларини ишончли қайд этувчи оригинал усул ишлаб чиқилган;

илк бор ЁКС спектрини автоматик калибровка қилувчи, фон порлаши таъсирини камайтирувчи ва ўлчаш аниқлигини оширувчи қурилма яратилган (у кукун кўринишидаги намуналарнинг суст ЁКС спектрларини қайд этиш имкониятини беради – қайд этиш чегараси $\sim 10^{-10}$ г);

кукунсимон моддаларни бузмасдан лазерли тадқиқот этишда резонаторли кюветаларнинг роли кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий асбоблар ва қурилмалар, тадқиқот усулларини қўллаш ҳамда тажриба маълумотлари билан ишлаш ва уларнинг яхши такрорланувчанлиги, ҳамда бошқа муаллифлар томонидан олинган натижаларга мос келганлиги билан асосланган. Диссертацияда тузилган қоидалар ва хулосалар назарий ва тажрибавий жихатидан асосланган бўлиб, кукунлардаги ИН табиати тўғрисидаги тушунчаларга зид эмаслиги умумий илмий тушунчаларга мос келган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти импульсли-даврийли лазерлар нури таъсирида МК ва НКда ИН спектрлари вужудга келишининг физик механизмларини тушунтириб бериш ҳисобланади.

Мазкур ишда олинган натижалар физика фанини, жумладан, диэлектрик ва яримўтказгичли материаллар ҳамда улар асосидаги гетероген тизимларда заррачалар ўлчамларига боғлиқ равишда ИН спектрларининг шаклланиш механизм хусусиятлари ва эволюцияси тўғрисидаги мавжуд тушунчалар ривожланишига маълум бир даражада ҳисса қўшади. Тадқиқот натижалари ҳар хил дисперсли МК ва НКлар асосли диэлектрик ва яримўтказгичли материаллар тузилиши ва хоссаларини йўналтирилган тартибда бошқариш имкониятини беради. Бу эса амалиётда саноат учун жуда муҳим бўлиб,

олдиндан маълум комплекс физик хоссаларга эга бўлган ҳар хил тузилмаларни олиш имкониятини беради. ИН лазер спектроскопияси усуллари яқин келажакда янги микро ва наноўлчамли тузилмаларни тадқиқот қилишда қўлланишлари мумкин: ушбу тузилмалар амалий муҳим объектлар (фармацевтик препаратлар, биологик объектлар, замонавий микро ва нанотехнологиялар ҳамда гетероген тузилмалар)ни таҳлил этишда муносиб амалий тадқиқини топишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Импульсли-даврийли лазер нури таъсирида микро ва нанокукунларда иккиламчи нурланишни ўрганиш натижалари асосида:

кичик ўлчамли портатив спектрометр яратилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан фойдали модел патенти (“Кўп каналли спектрометр”, №FAP 01158, 11.11.2016 й.) олинган. Яратилган спектрометр автоматик режимида ишлаб, фон порлаши таъсирини камайтириш, ўлчаш аниқлигини ошириш ва кукунсимон намуналарнинг суст ЁКС спектрларини $\sim 10^{-10}$ г қадар қайд этиш имконини берди;

ZnO микро ва нанокукунларини бир ва икки фотонли уйғотилган ФЛ спектрлари қонуниятларини ўрганишдан олинган илмий натижалар Ф2-ФА-Ф147 – сонли «Фотосинтезнинг бирламчи жараёнларида куёш энергиясини юқори самарали ўзлаштирилишининг физикавий механизмларини ўрганиш» фундаментал лойиҳасида рух оксиди (ZnO) микро ва нано ўлчамли кунларининг иккиламчи нурланиш фотолюминесценция спектрларини қайд қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 18 июлдаги 2/1255-1992-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ZnO кристаллининг нуқсонлари ва абсорбцион-флуоресцент спектроскопик хоссаларининг муҳим параметрларини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация материаллари бўйича 23 та илмий иш, шу жумладан 6 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, шуларнинг 4 таси чет эл журналларида чоп этилган ва 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 47 та расм ва 5 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги,


илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, улардан амалда фойдаланилганлиги, чоп этилганлиги ва апробацияси ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Микро ва нанотузилмалар ва кукунларнинг оптик хусусиятларини ўрганишдаги муаммолар ва тенденциялар ҳолати**» деб номланган биринчи бобида нанокукунлар ва наноматериалларни олиш бўйича адабиётлар маълумотлари таҳлили келтирилган. Наноматериалларни диагностика усуллари бағишланган ишларнинг қисқача шарҳи келтирилган ва муҳим ноорганик (олмос, ZnO, ZnSe, Y₂O₃) ва ароматик фармацевтик препаратлар микро ва нанокукунларини лазер таъсирида уйғотилган иккиламчи нурланиш тадқиқотлари соҳасидаги тажриба ишлари таҳлил қилинган.


Мавжуд назарий ва амалий маълумотларни таҳлил қилиш асосида микро- ва нанотузилмалар ва нанокукунларнинг иккиламчи нурланишини тадқиқот қилишдаги асосий муаммолар кўрсатилган. Ечилмаган муаммолар аниқланган бўлиб, улар асосида ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тажриба қурилмаси ва ўлчаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида импульсли-даврийли лазер нури таъсирида кукунларда ИНни тажриба тадқиқот усули ҳамда моддаларда иккиламчи нурланишнинг суст сигналларини «кучайтириш» учун резонаторли кюветалар ва стробоскопик қайд этиш тизимлари ҳамда импульсли-даврийли лазерлар нурлари таъсири қўллашга асосланган уйғотиш ва қайд қилиш усуллари хусусиятлари баён этилган. Қўлланилган қайд этувчи тизимнинг ишлаш принципи муҳокама қилинган. Тизимда фотонларни санаш усулини қўллаш билан бирга строблашдан фойдаланилган. Кукунларда ИНни ўрганиш учун «ўтказувчи» ва «қайтарувчи» схемали (1-расм) қурилмалар ишлаб чиқилди: *1 – мис буғларидаги лазер, 2,2' – кварцли световодлар, 3 – кукунли минирезонаторли кювета, 4 – йиғувчи линза, 5 – ёруғлик фильтри, 6 – монохроматор, 7 – монохроматорни бошқариш блоки, 8 – фотоэлектрон кучайтиргич (ФЭК), 9 – ФЭК қувват манбаи блоки, 10 – стробшакллантирувчи, 11 – кучайтиргич, 12 – кечиктириш линияси, 13 – компьютер, 14 – оптик тола.* Лазер генерацияси ($\lambda=510,6$ ёки $578,2$ нм) қисқа импульслар (20 нс) кўринишида 16 кГц частотали такрорланиш тарзида чиқарилган. Ёруғлик фильтри ёрдамида ўртача қуввати 5 Вт бўлган фақат битта генерация чизиғини (масалан, яшил чизиқ $\lambda=510,6$ нм) ажратиб олиш мумкин. Кукунларда ИН сигналларини кучайтириш учун махсус минирезонаторли кюветалар – фотонли тузоқлар (кюветалар капилляр диаметри 1,5–3 мм ва узунлиги 20–50 мм) ишлаб чиқилган бўлиб, уларда нур кўп марта қайтади ва сочилади. ИН сигналларини кучайтиришда энг мақбул вариант сифатида конуссимон бўшлиқ шаклидаги кюветалар (2-расм) топилди (*1- уйғотувчи нур; 2 – ўрганиладиган модда (кукун); 3 – ютувчи фильтр; 4 – иккиламчи нурланиш; 5 – кирувчи световод; 6 – чиқувчи*

световод). Ушбу кюветаларнинг ички қисми ҳам уйғотувчи нур ҳам иккиламчи нур учун юқори қайтариш коэффициентига эга бўлиб, кюветанинг кирувчи ва чиқувчи тирқишлари унинг чизиқли ўлчамидан жуда кичикдир. Нурни қайтарувчи вазифасини кюветанинг ичига жойлаштирилган дисперсли муҳит заррачалари ҳам хизмат қилади.



1-расм. Кукунларда ИНИни ўрганиш учун тажриба қурилма схемаси («қайтарувчи» схема)



2-расм. Конуссимон резонаторли минирезонаторли кювета тузилиши («ўтказувчи» схема)

Мисол тарзида минирезонаторли кюветада ЁКС сигналини кучайиш жараёнини кўриб чиқамиз. Бир жинсли муҳитда ИН спектрида ЁКС интенсивлигининг $I_{\text{ЁКС}}$ тушаётган нурга $I_{\text{уй}}$ нисбатини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$\frac{I_{\text{ЁКС}}}{I_{\text{уй}}} = \sigma N L \delta \Omega, \quad (1)$$

бу ерда σ – ЁКС самарали кесими ($\sigma \approx 10^{-28}$ см²). N – заррачалар концентрацияси, L – намунада уйғотувчи нур фотонининг ўтган йўли, Ω – ўрганилаётган нурланиш бурчаги. Узунлиги ~ 1 см га эга бўлган оддий кюветаларда кукунларни тадқиқот этишда $\delta \Omega = 1$ ср бурчакда ИН спектрида ЁКС интенсивлигининг $I_{\text{ЁКС}}$ тушаётган нурга $I_{\text{уй}}$ нисбати қуйидагига тенг:

$$\frac{I_{\text{ЁКС}}}{I_{\text{уй}}} \approx 10^{-6}. \quad (2)$$

Агар ички қисми уйғотувчи ва иккиламчи нурлар учун юқори қайтариш коэффициентига эга бўлган ва кюветаларнинг кирувчи ҳамда чиқувчи тирқишлари ўлчами ёпиқ кюветаларнинг чизиқли ўлчамларидан деярли тарзда кичик бўлса ҳамда улар бир жинсли молекуляр модда билан тўлдирилса, уйғотувчи ва иккиламчи нурларнинг кўп марта кюветанинг ички қисмидан тўла қайтишлари туфайли, кюветаларнинг чиқувчи тирқишида ўта юқори интенсивликка эга бўлган иккиламчи нурланишни олиш мумкин. Масалан, кювета ичида уйғотувчи нурни $t = 100$ нс вақтгача ушлашга

эришилса, $l=ct$ формулага асосан уйғотувчи нурнинг самарали босиб ўтган йўл узунлиги $l=30$ м ни ташкил этади. Шундай қилиб, $l_0=3 \cdot 10^{-3}$ м узунликдаги кюветада иккиламчи нурланишни ошиши $l/l_0=10^4$ баробарни ташкил этади. Мос равишда контраст кучаяди, яъни $I_{\text{ин}}/I_{\text{уй}} > 10^4$ ($I_{\text{уй}}$ – кюветанинг чиқишида бирламчи (уйғотувчи) нур интенсивлиги). Уйғотувчи нурнинг кювета ичида бўлиш вақтини узайтириш учун кюветанинг чиқиш тирқиши ўлчамини кичрайтириш ва унинг ички деворлари нурни юқори қайтариш коэффициентига эга бўлиши лозим.



Диссертациянинг «**Ноорганик кукунларнинг морфологик, тузилмавий ва оптик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида олмос, рух селени ва оксиди микро ва нанокукунларида ИНнинг спектрал ва энергетик характеристикаларини ўрганиш тўғрисида тажриба маълумотлари, рух ва итрий оксидлари морфологияси ва элемент таҳлил натижалари келтирилган. ZnO ва ZnSe микрокукунларининг ФЛ интенсивлигининг дамлаш (накачка) даражасига боғлиқлик графиклари намойиш этилган ва таҳлил қилинган. Олмос микрокукунларининг ЁКС интенсивлигининг дамлаш даражасига боғлиқлик қонуниятлари ўрганилган. Y_2O_3 микрокукунларида ФЛ спектрлари вужудга келишининг хусусий нуқтавий нуқсонлар билан боғлиқлик механизмлари тадқиқот қилинган. Фотонли тузоқлар ичида олмос МКда рўй берадиган комбинацион опалесценция эффекти ўрганилган. Мазкур намуналарда илк бор аниқланган эффектлар таҳлил қилиниб, улар сифат ва тақрибий миқдорий жиҳатдан тушунтирилган.

ZnO кукунларининг сканерли электрон микроскоп (СЭМ)даги тасвирдан (3,а-расм) намуналар кўндаланг ўлчамлари 8 мкм гача бўлган нотўғри шаклдаги агломерат кўринишидаги ковакларга эга бўшашган йиғилмалардан иборатлиги кўриниб турибди. Асосий фракция — 0,7–1 мкм. Агломератлар унча кучли бўлмаган механик таъсирда осон бузилади. Элемент таҳлил кўрсатишича (3,б-расм) ўрганилган кукунлар таркибида бегона киришмалар мавжуд эмас.

4-расмда турли интенсивликда олинган ($\lambda_{\text{уй}}=255,3$ нм) ZnO микрокукунлар ФЛ спектрлари келтирилган. Уйғотувчи нурланишнинг кичик интенсивлигида ФЛ спектри 386 нм максимумга эга бўлади (1 ва 2 чизиқлар). $15 \cdot 10^6$ Вт/см² дан юқори интенсивликларда эса (3-5 чизиқлар) дамлаш интенсивлигининг ошиши билан ФЛ интенсивлиги ночизиқли равишда кўпайиб боради (5-расм) ва экситон ФЛ спектри торайиши кузатилади. Бундан ташқари ФЛ полосасининг торайиши яққол кўрина бошлайди ва спектр интенсивлигининг максимуми узун тўлқин соҳа йўналишида 4 нм гача силжийди.

Уйғотувчи нурланиш интенсивлигининг $24 \cdot 10^6$ Вт/см² (эгри чизиқ 6) қийматида ФЛ интенсивлиги тўйинишга эришади. ФЛ интенсивлигининг дамлаш интенсивлигидан бундай боғлиқлиги ZnO микрокукунларидаги УБ нурланишида спонтан режимдан мажбурий нурланиш режими кўринишига ўтишдан далолат беради. Аммо спектрда етарлича даражада торайиш кузатилмаётганлиги бизнинг тажрибада мажбурий ФЛ учун фақат чегаравий

эффектлар вужудга келаётганликдан далолат беради.



а)


б)

3-расм. (а) ZnO микрокукунларининг СЭМ-тасвири ва (б) уларнинг элемент таркиби


ФЛ интенсивлиги (I) таҳлили учун қуйидаги ифодадан фойдаланилди

$$I = \eta \cdot I_{uy}^{\alpha} \quad (3)$$

бу ерда I_{uy} – уйғотувчи нурланиш интенсивлиги, η – квант чиқиши, α – нурланиш рекомбинация механизмини характерлайди.




4-расм. Уйғотувчи нурланишнинг турли интенсивлигида (I_{uy}) ZnO МК ($d_{\text{ўр}}=0,8$ мкм)нинг ФЛ спектрлари олинган: (1) чизик $I_{uy}=5$ мос келади; (2) - $I_{uy}=11$; (3) - $I_{uy}=15$; (4) - $I_{uy}=18$; (5) - $I_{uy}=21$; (6) - $I_{uy}=24$ ($I_{uy}-10^6$ Вт/см²)



5-расм. (I) ZnO МК ($d_{\text{ўр}}=0,8$ мкм) ФЛинтенсивлигининг уйғотувчи нурланиш интенсивлиги (I_{uy})га боғлиқлиги. (1) чизик $\lambda=386$ нм тўлқин узунлигига мос келади; (2) - $\lambda=390$ нм; (3) - $I \approx I_{uy}^{1.5}$ қонунга мос назарий боғлиқлик.

Экситон рекомбинация учун $1 < \alpha < 2$, фундаментал нурланиш учун $\alpha \approx 2$ ва аралашмали сатҳлардан ўтишлар учун $\alpha < 1$. Ҳақиқатдан ҳам бизнинг тажриба шароитида ($I_{\text{возб}} \sim 10^6$ Вт/см²) ZnO МК учун (4 ва 5-расмларга қаранг) $\alpha \approx 1,5$ даражали боғлиқлик кузатилади (5-расм), бу эса ZnO монокристаллдаги $\alpha = 1,5 \pm 0,2$ қийматга тўғри келади. Уйғотувчи нурланишнинг юқори интенсивликларида ФЛ интенсивлигининг секинлашуви рўй беради


(5-расмдаги 1 ва 2 чизикларга қаранг): бу ҳол ҳам иссиқлик таъсири ҳам фотолиз ва термодеструкцияси туфайли нуқсонларнинг генерацияси орқали содир бўлиши мумкин. Ўхшаш қонуният бошқа тадқиқотчиларнинг ZnO монокристалларни квант нуқталар (КН)ни тадқиқот қилишларида кузатишган. 386-390 нм соҳадаги максимум А-экситонларнинг кўп фононли аннигиляциясидаги 3L0 чизик ҳолатига мос келади. Аммо, бизнинг тажриба тадқиқотларимизда намуналарда ФЛ спектрнинг кўриш диапазонида кузатилмади. Кўпинча тажриба тадқиқотларида 450-550 нм диапазон оралиғида яшил ФЛ максимуми кузатилади ва ушбу максимум табиатини кислород вакансияларининг мавжудлиги билан боғлашади, лекин бошқа аралашмалар ҳам ушбу максимумнинг вужудга келишига сабабчи бўлишлари мумкин. Бизнинг намуналарда кўриш диапазонида ФЛ йўқлиги кислород нуқсонларининг ўта камлиги ёки умуман йўқлиги ва ўрганилган ZnO микрокукунларнинг элемент таҳлил натижаларига кўра (3,б-расмга қаранг) намуналарнинг тозалигидан далолат беради.



6-расм. Алюмоитрий гранат лазерининг 4-гармоникаси ($\lambda_{\text{үй}}=266$ нм) таъсирида олинган ZnSe НК (1) ва МК (2) ($d_{\text{ўр}}=2$ мкм) ФЛ спектрлари


6-расмда алюмоитрий гранат лазерининг 4-гармоникаси ($\lambda_{\text{үй}}=266$ нм) таъсирида олинган ZnSe НК (1) ва МК (2) ($d_{\text{ўр}}=2$ мкм) ФЛ спектрлари келтирилган. Спектрлар хона ҳароратида олинган. Бу спектрлар шакллари бўйича бир-биридан фарқ қилмайди, аммо НК интенсивлиги ZnSe МК интенсивлигидан 14 марта юқори. Минирезонаторли кювета-нинг чиқиш қисмида лазер (уйғотувчи) нурланиш интенсивлиги ФЛ интенсивлигига нисбатан оддий тизимдаги ИНни уйғотиш билан таққосланса, анча камайган қийматга эга бўлади. Ишда олинган ZnSe

микро ва нанокукунларининг ФЛ спектридаги максимум ($\lambda_{\text{мак}}=476$ нм) А-экситонларнинг кўпфононли аннигиляциясидаги 3L0 чизик ҳолатига мос келади (A^{3L0}). 7-расмда турли конструкцияли кюветаларда бир хил тажриба шароитларида олинган олмос МК ЁКС спектрлари келтирилган. 1-чизик нисбатан катта ҳажмга эга бўлган кюветага (кювета диаметри - 18 мм), 2-чизик эса капилляр диаметри 3 мм бўлган резонаторли кюветага тегишлидир. Монохроматор кириш тирқиши олдида мис буғларидаги лазернинг уйғотувчи нурланиш чизиғи ($\lambda_{\text{үй}}=510,6$ нм) интенсивлигини камайтириш учун OG-1 ёруғлик фильтри ўрнатилган бўлиб, филтёр лазер нури 100 марта камайтиради ва уйғотувчи лазер нуридан 800 см^{-1} масофада жойлашган ЁКС сигналининг тўлиқ ўтказилади. Расмдан кўришиб турибдики, резонаторли кюветада ЁКС сигнали цилиндрик кюветага нисбатан тахминан 1000 марта юқори.



7-расм. Цилиндрик (1) ва резонаторли кювета (2) ларда олинган олмос МК ($d_{\text{ўр}}=10$ мкм) ЁКС спектрлари ($I_{\text{уй}}\sim 10^5$ Вт/см²)

510,6 нм таъсирида олмос МК ФЛ спектри фонининг ошиши азот вакансия нуқсонлари сабабли юзага келадиган кучли люминесценциядир: кўриш диапазони соҳасида мавжуд лазер нурланишини (510,6 нм) қўллаш, $\sim 10^6-10^8$ Вт/см² интенсивликларда олмосларда етарлича интенсив ИФЛ вужудга келишга олиб келади. Шу сабабли ИФЛ фонини камайтириш ва ЁКС сигнали интенсивлигини эса ошириш мақсадида олмос МК тадқиқот қилишда $I_{\text{уй}}\sim 10^5$ Вт/см² интенсивлик қўлланилди.



8-расм. Мис буғларидаги лазернинг яшил нури ($\lambda_{\text{уй}}=510,6$ нм) таъсирида олмоснинг турли ўлчамдаги ЁКС спектрлари: (а) - $d_{\text{ўр}}=4$ нм (KBg матричасида 1 мас.% концентрацияли); (б) - $d_{\text{ўр}}=0,5$ мкм; (в) - $d_{\text{ўр}}=1$ мкм; (г) - $d_{\text{ўр}}=50$ мкм ($I_{\text{уй}}\sim 10^6$ Вт/см²)

Ҳар хил ўлчамдаги олмос МК ва НКнинг мис буғларидаги лазернинг яшил нури ($\lambda_{\text{уй}}=510,6$ нм) таъсирида уйғотилган ЁКС спектрлари 8-расмда келтирилган. Барча намуналарда олмос панжарасининг фундаментал тебраниши билан боғлиқ $\nu=1332$ см⁻¹ чизиқ мавжуд. Ушбу частотали тор чизиқнинг қайд қилиш в тадқиқот қилинаётган намуналарда олмоснинг кристалл фаза мавжудлигидан далолат беради. Аммо, барча спектрларда

ИФЛ билан боғлиқ бўлган люминесценция фони мавжуд. МКнинг ўлчами 50 мкмга борганда яхлит фон кескин камаяди ва 1332 см^{-1} фундаментал моладаги ЁКС интенсивлиги фонга нисбатан кескин ошади (8,г-расм). МКнинг ўртача ўлчамлари катталашишлари сари 1332 см^{-1} интенсивлиги ошиб боради ва 50 мкмда интенсивлик максимал қийматга эришади. Олмос НК ЁКС интенсивлиги ФЛ фониға нисбатан жуда ҳам су́ст. Бу ишда олмос МК ($d_{\text{ўр}}=10 \text{ мкм}$) ЁКС интенсивлигининг уйғотувчи нурланиш интенсивлигига боғлиқлиги ҳам аниқланган. Дамлаш интенсивлигининг ошиши билан намуналарда су́ст ночизиқлик қонуният аниқланган (боғлиқлик $I \approx I_{\text{уй}}^{1.25}$ қонуниятдан деярли четланиш билан характерланади).

Фотонли тузоқларда олмослар МК ЁКС интенсивлиги кюветадан чиқиш вақтида анча ошади (7-расм, 2-чизиқ): уйғотувчи нурланишнинг интенсивлигига нисбатан ЁКС нисбий интенсивлиги кескин кўпаяди (комбинацион опалесценция режими). Бу ҳолат фотоннинг тузоқ деворларидан кўп марта қайтиши ва муҳитнинг гетерогенлиги туфайли сочилиши туфайли вужудга келади: фотоннинг тўлиқ йўли анча кўпаяди (уйғотувчи нурланиш фотони тадқиқот объектига киради). Маълумки, бир жинсли муҳитда ИН спектрида ЁКС интенсивлиги ($I_{\text{ЁКС}}$) нинг уйғотувчи нурланиш интенсивлигига нисбати (1) формула кўринишида ёзилади.

Тажибада қўлланиладиган фотонли тузоқ учун (2-расм) световодлар четлари орасидаги масофа, яъни фотонли тузоқда фотоннинг ҳаракатланиши $R=1 \text{ см}$ тенг. Ультрадисперсли муҳитда фотоннинг эркин югуриш узунлигинизаррачалар ўлчамлари билан тенг деб ҳисоблаш мумкин, яъни $\Delta x \approx 10^{-4} \text{ см}$. Унда фотонли тузоқ ичида уйғотувчи нурланиш фотонининг босиб ўтган тўлиқ йўли $L \approx 10^4 \text{ см}$ га тенг. Шу билан бирга фотонли тузоқни қўллашда сочилган нурланишнинг қаттиқ бурчаги $\delta\Omega \approx 4\pi$. Бундай ташлаш $\delta\Omega$ сабаби, уйғотувчи нур фотонли тузоқга келиб тушгандан сўнг, кўп марта унинг деворларидан ва ультрадисперсли муҳит заррачаларининг сиртларидан қайтади. $\sim 1 \text{ см}^3$ ишчи ҳажмга эга фотонли тузоқ қўлланганда ультрадисперсли шакл кўринишида бўлган моддалар ИН спектридаги ЁКС контрастлиги оддий кюветалар билан таққослаганда 5-6 мартага ошади ва куйидаги қийматга тенг бўлади:

$$\frac{I_{\text{ЁКС}}}{I_{\text{уй}}} = 10^{-1} - 10^{-2} \quad (4)$$

Шундай қилиб, натижада яратилган фотонли тузоқлар қўлланилганда ультрадисперсли шакл кўринишида бўлган моддаларнинг ЁКС контрастлиги кюветанинг чиқиш қисмида оддий кюветалар билан таққосланганда 5-6 тартибга ошади. Бу ҳолатда комбинацион опалесценция эффекти кузатилади, яъни ИН спектрида ЁКС сигнали интенсивлиги уйғотувчи нурланиш интенсивлиги билан тенглашади (7-расм). Барча ўрганилган олмос намуналарида ФЛ спектрида 410–460 нм соҳада, азот аралашмалар билан боғлиқ чизиқлар аниқланди (N3-нуксонлар).

Диссертациянинг «Лазер спектроскопиясини ароматик бирикмалар ва биофаол препаратларни таҳлил қилиш учун фойдаланиш» деб номланган тўртинчи бобида ароматик бирикмалар ва биофаол препаратлар (аспирин, анальгин, цитрамон, парацетамол, РОРОР, РРО, соя уни, тўйинган ёғли кислоталар $C_nH_{2n}O_2$)нинг микро ва нанокукунларида ИН спектрларини тадқиқоти бўйича олинган тажриба натижалари келтирилган. Қатор фармацевтик препаратлар микро ва нанокукунларининг бир ва икки фотонли уйғотилган люминесценция спектрлари қиёсий таҳлил қилинган. Илк бор фотонли тузоқларга жойлаштирилган РОРОР ва РРО МК комбинацион опалесценция эффекти қайд этилган бўлиб, бунда ЁКС интенсивлиги уйғотувчи нурланиш интенсивлигига қарийб тенглашган ҳамда уйғотувчи лазер нурига яқинида етарли даражада интенсив бўлган ЁКС чизиқлар кузатилди. Илк бор генетик модификацияланган соя уни микрокукунларида ИФЛнинг энергетик характеристикалари тадқиқот қилинган.

Тўйинган ёғли $C_nH_{2n}O_2$ кислоталарнинг суяқ кўринишдаги намуналарида ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектрларида бўйлама акустик тебранишлар (ЛАМ) туфайли вужудга келадиган интенсив ва етарлича тор полосалар кузатилди ва ушбу модалар частоталари молекула узунлигига боғлиқ равишда монотон тарзда ўзгариши кузатилди. ЁКС спектрларида кузатилган қонуниятлар чекли узунликка эга бўлган икки атомли кристалл занжирли модели асосида тушунтирилган.


9-расмда УБ нурланиш ($\lambda_{\text{уй}}=255,3$ нм) таъсирида уйғотилган анальгин МК ФЛ спектрлари ва мис буғларидаги лазернинг икки яшил кванталари таъсирида ($\lambda_{\text{уй}}=510,6$ нм) уйғотилган анальгин МК ФЛ спектрлари келтирилган. Анальгин МК ФЛ спектри 430-800 нм диапазонда жойлашган бўлиб, 461 нм ва 660 нм максимумларга эга. ИФЛ спектри резонанс люминесценция спектридан иккинчи максимуми жойлашиши ($\lambda_{\text{мак}}=648$ нм) билан фарқ қилади (максимум 12 нм қисқа тўлқин узунлиги томон силжиган). Мазкур спектрлар бир биридан интенсивликлари билан ҳам фарқ қилади. ИФЛ спектр ($\lambda_{\text{мак}}=648$ нм) интенсивлиги ФЛ спектр ($\lambda_{\text{мак}}=660$ нм) интенсивлигидан қарийб 12 марта кичик. Олинган спектрлар адабиётда келтирилган анальгиннинг сувдаги эритмаси ФЛ спектридан фарқ қилади: анальгиннинг сувдаги эритмасида люминесценция нурланиши иккита 650 и 457 нм интенсив максимумларга эга спектрдан иборат.

Парацетамол МК ФЛ ва ИФЛ спектрлари (10-расм) бир-биридан интенсивлиги, шакли ва жойлашиши билан фарқ қилади. Расмдан кўришиб турибдики, ИФЛ спектрида қисқа тўлқин соҳасида максимум мавжуд эмас ва узун тўлқин узунлиги соҳасидаги максимум 5 нмга силжиган ($\lambda_{\text{мак}}=650$ нм).


Қайд этиш лозимки, икки фотонли ва бир фотонли спектрлар ҳар хил ахборотни беради. Масалан, диполь яқинлашувида икки фотонли ўтишлар бир хил тенгликка эга бўлган ҳолатлар мумкин бўлса, бир фотонли ўтишлар ҳар хил тенгликка эга бўлган ҳолатлар учун мумкин. Фармацевтик объектларларида кузатиладиган асосий ҳолатнинг тебранма ИФЛ спектрлар

ароматик молекуланинг биринчи уйғотилган электрон сатҳидан асосий ҳолатнинг тебранма сатҳига ўтиш натижасидир. Бунда кузатилаётган спектрларнинг қисқа тўлқинли қирраси ушбу тузилмалар молекулалари бензол халқасининг электрон ўтишлари π - π га мос келади. Узун тўлқинли континуум эса қаралаётган молекулаларнинг тебранма структураси ва экситон ҳолатларнинг энергетик зонаси орасидаги ўтишлар билан боғлиқ.

Кузатилаётган эффектларни – ароматик моддалар ИН спектрларидаги интенсивликнинг тақсимланишларини спонтан ФЛ режимидан суперлюминесценция режимига ўтиш деб тушунтириш мумкин.



9-расм. 1) –УБ нурланиш($\lambda_{\text{уй}}=255,3$ нм) таъсирида уйғотилган аналгин МК ФЛ спектрлари; 2) – мис буғларидаги лазернинг икки яшил кванталари таъсирида ($\lambda_{\text{уй}}=510,6$ нм) уйғотилган аналгин МК ФЛ спектрлари



